

Мавлид ҳақида ўйлар (олтинчи мақола)



15:30 / 13.10.2021 1268

Мавлид ҳақидаги хилофларни бартараф этса бўладими?

Умуман олганда, мавлид қилиш ҳақидаги хилоф асосан қуйидаги нуқталарда акс этади:

1. Мавлидни ийд – ҳайит қилиб олиш. Исломда иккита ийд бор. Унга бошқа яна диний байрам қўшиш айна бидъатдир. Шу боис, мавлид кунини ҳайит байрамлари каби нишонлашга ўтиб кетмаслик керак.
2. Мавлидни Шореъ жорий қилган амал даражасида кўриш. Мавлидни танқид қилган кишилар мавлидни бидъат дейишганда унга шаръий амал тусини берилишини назарда тутадилар ва ҳар бир бидъат залолат эканини таъкидлайдилар. Агар мавлидга бевосита шариат кўрстаган амал деб эмас, балки шариат мақсадларига хизмат қиладиган тадбир сифатида қаралса, мазкур хилофга ўрин қолмайди. Бунда мавлид бугунги кундаги илмий амалий анжуманлар қаторидан ўрин олади. Кўпчилик замонмиз уламоларнинг фикрларига кўра, мавлид аслида ҳам ўзи шундай маросим бўлиб келган.

3. Мавлид учун маълум бир кунни – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуд кунлари ҳамда ойларини хослаш. Айнан шу нарса мавлидни шаръий амал даражасига олиб чиқиш бўлади ва бу эса бидъат саналади, дейишади муҳолифлар. Агар мавлидни бир кунга ёки ойга хосламай, бошқа бир вақтда ҳам ўтказиб турилса, бу хилоф ҳам бартараф бўлади. Мисол учун, бизда олдинда уламоларимиз рабиулаввал ойдан бошлаб тўрт ой – рабиуссоний, жумодулаввал ва жумодуссоний ойларини мавлид оyi қилиб олишган эди. Биз яқин яқинларгача Андижон халқида шундай тушунча бор бўлганлигини яхши биламиз. Бунга ушбу ойлارнинг бошқа ойлардан фарқли ўлароқ диний байрам ва махсус ибодатлардан холи бўлгани сабаб бўлганми ёки мазкур қараш туртки бўлганми, бизга номаълум. Ҳар қалай, халқимиз ўртасида шу тўрт ойна мавлид маросими ўтказиш учун ажратилгани алоҳида эътиборга сазовордир. Чунки одатда бу каби ишлар омма тарафидан эмас, айнан уламолар томонидан йўлга қўйилади. Шунга кўра, йилнинг бошқа ойларида ҳам мавлид маросимига ўхшаш сийрат анжуманлари ташкил қилиб турилса, бу ишни маълум кун ёки ойга хослашга қарши бўлаётганларнинг эътирозларига ҳам ўрин қолмайди.

Аммо кўпчилик уламолар (ҳозирги кундаги «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги», «Ёнғин хавсизлиги ойлиги» каби тадбир сифатида) бир ойна маълум бир маънодаги тадбир учун қулай фурсат деб билиб, уни ўша ойда ўтказишга, модомики, буни диний мажбурият деб қабул қилиниши хавфи бўлмаса, монёлик йўқ, дейдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларини таништириш учун энг қулай ва муносиб ой мавлид оyi бўлишида шубҳа йўқ.

4. Мавлид маросимларида бидъат хурофотлар, олди қочди гаплар, тўқима ва тухмат маълумотлар айтилади, дейишади. Бу олдингиларидан ҳам кўра ечими осон бўлган муаммо. Чунки мавлид маросимлари йирик уламолар томонларидан ўтказилган пайтларда ва жойларда раддияда назарда тутилган ношаръий ҳаракатлар бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Бир амалнинг таркибида бўлмаган, унга четдан қўшилган ношаръий ишларга қараб мазкур амал ҳақида ҳукм чиқарилмайди. Бинобарин, бу ердаги раддия ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

5. Мавлид маросимларида жоҳил одамлар турли мусиқалар билан ашула айтиб, хуморбости қилишлари, шодлик изҳор қиламиз деб, ўйин кулгига берилиш ҳолатлари, эркак аёлларнинг аралашиши ҳам борки, буни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди, дейишади. Бу бизнинг диёрларга тамоман ёт ҳолат.

Бизда ҳеч қаерда бундай мавлид маросими бўлмаган. Тўғри, айрим жойларда жоҳил инсонлар, ўзларини тасаввуфга нисбат берган фосиқлар бундай номақбул ишларни қилган бўлишлари мумкин. Аммо қандайдир бетайинларнинг ҳатти ҳаракатини рўқач қилиб, номланиши бир хил бўлгани учун мавлидни қоралаш инсофдан бўлмайди. Шу билан бирга, билиб қўйишимиз керакки, агар шаръий меъёрларни маҳкам тутилмаса, ҳар қаерда ҳам бундай номақбул ишларга ўтиб кетилиши ҳеч гап эмас.

(Давоми бор)

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид